



ТОШКЕНТ



XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

ОҚИМОҶИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 18 (9.668) 2002 йил 11 февраль, душанба Сотувда эркин нархда



Ғазал мулкининг султониغا эҳтиром

Утган шанба куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мажмуасидаги мулуф шоир Алишер Навоий ҳайкали пойида буюк мутафаккир таваллудининг 561 йиллигига бағишлаб тантанали маросим бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов тadbирни кириш сўзи билан очар экан биз мустақиллик йилларида беш асрдан бери асарлари ҳалқимизни нафосатга, яхшиликка ва ғузалликка етаклаб келаятган Навоийни янгида кашф этганлигимизни, унинг бой ижодидан тўлиқ баҳраманд бўла бошлаганлигимизни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Истиқлолдан кейин Навоийнинг буюк меросига янада яқинлаша бошладик, — деди жумладан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Бу жараён давлат сиёсатида айланади. Зеро, Навоийни англаш бу — ўзгаллигимизни англашдир.

Таниқли оlima Суйима Ганиева Навоий ижодининг энг юксак нуқталари тўғрисида тўхтади. Шоир Сирожиддин Сайид Навоийга бағишлаб битилган ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Уларнинг сийҳатгоҳларга боришида муайян имтиёزلардан фойдаланмайдиган тоифадаги қарияларга ҳам тегишли ёрдамлар қўриштириш аниқ мудоао эканлиги таъкидлаб ўтилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА суратларда
□ **РЕСПУБЛИКА** уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Қариялари кадрлаш йили муносабати билан кўзикарли маъруза ўтказилди. Уни «Матнавийт ва маърифат» маркази ва

«УМИД ЮЛДУЗЛАРИ» — 2002

Янги иқтидорлар кашф этилмоқда



Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Устелерадиокомпанияси, «Ўзбекинов» эстрада-концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида 8-9 февраль кунлари «Ўзқўрғазмасавдо» саройида мусиқа санъати соҳасига кириб келаятган ёш истеъодларнинг «Умид юлдузлари» фестивали иккинчи бор ўтказилди.

Бу галги тadbирда янада кўпроқ санъатнинг ёш илҳомчилари — астраданнинг бўлуши юлдузлари ўз санъатларини намойиш этишди. Албатта, бунинг ортида ташкилотчилар томонидан амалга оширилган кенг қўламадаги меҳнат, изланиш ишлари ётибди. Зеро, ёшларимиз орасида санъатимиз гунаҳлари, эндигина камол топиб келаятган ёш истеъодлар нихоятда кўп. Бинобарин, улар орасидан энг муносибларини саралаб олиш осон юмуш эмас.

Байрамона безатилган сахнада фестивал дастируни Мирзо Улугбек тумани кўшимча таълим мажмуасига қарашли 50-мактаб қўшиди «Юлдузча» дастаси бошлаб берди. Фестивалнинг ёш иштирокчиларининг қувноқ чиқишларидан сўнг биз «Юлдузча» дастасининг фаолияти тўғрисида бир оз тўхталиб ўтиш ва айрим қатнашчиларини суҳбатга тортишни лозим топдик.

Шуниси эътиборга лойиқки, бундан олти йил олдин ташкил этилган ушбу аjoyиб дастага Ботир Зокиров номли фонд хомийлиги қилиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳозир дастада тўрт ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар эстрада санъати йўналишида санъат сирларини ўрганмоқдалар. 2000 йили эса «Юлдузча» дастаси негизига Ботир Зокиров номли фонд томонидан Болалар эстрада ижодиёти академияси (директори Фаррух Зокиров, продюсери Раъшан Зокиров) ташкил этилиб у ҳар йили ёш истеъодлар кашф этилаётган болалар эстрада таловини ўтказиб келмоқда.

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Нуронийлар доимо эъзозда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдухаккоҳ Тўхтаев олиб борди.

«Умид юлдузлари» фестивалида юқоридаги каби умидли, аjoyиб болалар дасталари ва яққол хонандлар қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўш томошабинлар истеъодларнинг ўзига хос чиқишларининг ҳам гувоҳи бўлишди. Айниқса, Х.Х. Нисеий номидаги мусиқа коллежининг талабаси Нафиса Ҳожиева эстрада усулида дутор наволарини таратиб йиғилганларни лол этди.

Мамлакатимизда

• Бухоро вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» Давлат дастури бажарилишини мувофиқлаштириш республика кенгашининг кўма йиғилиши бўлиб ўтди.

• Бугун Афғонистон Муваққат ҳукуматининг раҳбари Ҳамид Карзай Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарлари билан музокаралар олиб боради. Ҳамид Карзай Бирлашган Араб Амирликларига **кеча** расмий ташриф билан келди. Утган ҳафтада у Саудия Арабистони ва Покистонга ташриф буюрган эди. Ушбу уч мамлакат толиблар режими расман тан олган давлатлар эди. Бирлашган Араб Амирликлари Кобулга 36 миллион доллар ёрдам беришга ваъда қилди.

• Жаҳон банки СПИДга қарши курашиш учун Африка давлатларига 500 миллион АКШ доллари ажратишга қарор қилди. Мутахассисларнинг фикрича, минтақага бу касаллик жиддий ҳавф солмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Умид юлдузлари» фестивалидан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

